

**Фавқулодда вазиятларда аҳолини хабарлаш учун
телекоммуникация тармоқларидан
фойдаланиш тартиби ҳақидаги
НИЗОМ**

Муқаддима

§ 1. Атама ва таърифлар

§ 2. Умумий қоидалар

§ 3. Фавқулодда вазиятларда аҳоли учун хабарлаш сигналлари ва ахборотларни узатиш тартиби

§ 4. Фавқулодда вазиятларда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Телерадиокомпания ва эшиттириш тизимларининг объектларига хизмат кўрсатувчи операторлар ва провайдерларнинг аҳоли учун хабарлаш сигналлари ва ахборотларини узатишни таъминлаш бўйича мажбуриятлари

§ 5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Телерадиокомпания ва эшиттириш тизимлари объектларига хизмат кўрсатувчи операторлар ва провайдерларнинг фавқулодда вазиятларда аҳоли учун хабарлаш сигналлари ва ахборотларни узатишдаги ўзаро муносабатлари тартиби

§ 6. Яқуний қисм

Мазкур Низом фавқулодда вазиятлар ҳавфи ёки уларнинг юзага келишида аҳолига хабарлаш сигналларини узатиш тартибини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда вазиятларда, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) идоралари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА), Телерадиокомпания, эшиттириш тизимларининг объектларига* хизмат кўрсатувчи телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг, мулкчилик шаклидан ва идоравий тегишлилигидан қатъи назар, ўзаро муносабатлари тартибини белгилайди.

§ 1. АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур ҳужжатда қуйидаги атамалар тегишлича таърифлари билан қўлланилади:

Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ундаги хатти-ҳаракатлар Давлат тизими (ФВДТ) - уруш ва тинчлик даврида фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф қилиш, фавқулодда вазиятлар рўй берганда аҳоли ҳавфсизлигини таъминлаш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва давлат иқтисодиётига етадиган зарарни камайтириш соҳасидаги тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун мўлжалланган ваколатларига фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни ҳимоя қилиш бўйича масалаларни ҳал этишга қирадиган бошқарув

идоралари, республика ва маҳаллий ҳокимият идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг куч ва воситалари мажмуидир.

Телекоммуникациялар оператори (бундан кейин оператор) - мулкчилик ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида телекоммуникация тармоғига эгалик қилувчи, унинг ишлаб туришини, ривожланишини таъминловчи ва телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Телекоммуникация хизматларининг провайдери (бундан кейин провайдер) - операторлар тармоқлари орқали фойдаланувчиларга тижорат асосида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш - олдиндан ўтказиладиган ва фавқулодда вазиятлар вужудга келиш хавфини иложи борича максимал камайтиришга, шунингдек улар юзага келган ҳолда инсон саломатлигини сақлаш, атроф-муҳитга етадиган зарар ва моддий йўқотишлар кўламларини камайтиришга йўналтирилган тадбирлар мажмуи.

ФВДТнинг раҳбарий идоралари - ҳуқуқ доирасига фавқулодда вазиятлардан аҳолини ва ҳудудларни химоя қилиш масалаларини ҳал қилиш қирадиган давлат бошқаруви идоралари, маҳаллий ҳокимият идоралари ва объектлар маъмурияти.

Телекоммуникациялар тармоғи - бир ёки бир нечта узатиш турларини: телефон, телеграф, факсимиль, маълумотлар ва бошқа ҳужжатли хабарлар узатишни, телекўрсатув ва радиоэшиттириш дастурларини олиб эшиттирилишини таъминлайдиган телекоммуникация воситаларининг мажмуи.

Умумий фойдаланишдаги шахсий радиочақириқ тармоғи (пейджинг алоқаси тармоғи) - умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғи ёрдами билан радиоканалда чекланган ҳажмдаги хабарларни узатишни амалга оширилувчи техник воситалар мажмуи.

Эшиттириш тизими - эшиттириш дастурларини ташкил қилиш ва бевосита аҳолига ёки бошқа фойдаланувчиларга узатиш учун мўлжалланган тизим.

Изоҳ: тизимлар дастурлар турига кўра, овозли ва телекўрсатув эшиттиришлари, тарқалиш муҳитига кўра эса, симли (кабелли) ва эфирли эшиттиришлар, шу жумладан, йўлдош алоқа тизимларига ажратилади.

Фуқароларни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган хабарлаш тизими - тинчлик ва уруш даврида, фуқароларни муҳофаза қилиш бўйича мансабдор шахсларга ва республика аҳолисига сигналлар ва зарур маълумотларни тез етказиш учун мўлжалланган техник воситалар, телекоммуникациялар, радиоэшиттириш ва телеэшиттиришлар каналлари, шунингдек хабарлаш тизимларининг мажмуи.

Фавқулодда вазиятлар (ФВ) - авариялар, фалокатлар, хавфли табиий ҳодисалар, табиий ёки бошқа офатлар натижасида юзага келган, инсонларнинг қурбон бўлишига, инсонларни соғлиғига ёки атроф муҳитга зарар етишига, катта моддий зарарлар ва кишиларнинг ҳаёт фаолиятлари шароитларининг бузилишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган муайян ҳудуддаги ҳолат.

§ 2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Табиий ва техноген турдаги фавқулодда вазиятлардан аҳолини ва ҳудудни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Фуқароларни муҳофаза тўғрисида"ги қонунлари асосида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги 558 - сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва ундаги ҳатти-ҳаракатлар Давлат тизими ҳақидаги Низоми", Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Фуқароларни муҳофаза қилиш Бошлиғи

томонидан 2000 йил 24 июнда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган хабарлаш тизимини ташкил қилиш ва фойдаланиш-техник хизмат кўрсатиш бўйича Низом"га ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг низомини тасдиқлаш тўғрисидаги" 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда вазиятлар вазирлиги фавқулодда вазиятларни бартараф қилиш бўйича кучлар ва воситалар бошқарувини амалга оширади, бошқарув пунктларини, хабарлаш ва алоқа тизимларини ташкил қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, уларга фавқулодда вазиятлар хавф солганда ёки улар юзага келишида мавжуд бўлиши мумкин бўлган хавф даражаси ва зарур хавфсизлик чоралари ҳақида маълумотлар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Аҳолига ўз вақтида ва мажбурий тартибда фавқулодда вазиятнинг хавфи, далили, микёси, уларнинг ўзларини тутиш қоидалари ва химоя чоралари, шунингдек фавқулодда вазият оқибатларини бартараф қилинишининг бориши тўғрисидаги ахборотлар етказилиши керак.

5. Операторлар ва провайдерлар фавқулодда вазиятлар хавфи тўғрисида аҳолининг хабардор қилинишини ташкил қилиш учун зарур бўлган воситалар жойлаштирилиши, ўрнатилиши ва улардан фойдаланишни таъминлашга мажбурдирлар.

6. Марказлаштирилган хабарлаш тизимлари ўзининг мўлжалланиши бўйича республика, вилоятчи, туман (шаҳар), шунингдек маҳаллий (объектларга доир) хабарлаш тизимлари бўлиши мумкин.

7. Ўзбекистон Республикасининг марказлаштирилган хабарлаш тизимларининг ускуналари Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг балансида, марказлаштирилган вилоятчи хабарлаш тизимларининг ускуналари эса, фавқулодда вазиятлар бўйича вилоят бошқармаларининг балансида туради.

8. Маҳаллий хабарлаш тизимлари фавқулодда вазиятлар хавфи ёки келиб чиқиши ҳақида шу объектларнинг ходимларини, шунингдек бевосита уларга яқин жойлашган объектлар ва аҳолини хабарлаш учун хизмат қилади.

9. Республика, вилоятчи, туман ва шаҳар марказлаштирилган хабарлаш тизимлари махсус техник воситаларининг ускунаси, қоидага кўра, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан берилган лицензия асосида фаолиятни амалга оширувчи телекоммуникация корхоналарида ўрнатилади. Телекоммуникация корхоналари фавқулодда вазиятлар бўйича республика, вилоят ва шаҳар бошқармалари (ФВБ) билан тузилган шартнома асосида юқорида кўрсатилган воситаларга техник-фойдаланиш хизмат кўрсатилишини ташкил қиладилар ва таъминлайдилар.

10. Фойдаланишга қабул қилинган марказлаштирилган хабарлаш тизимлари ишлатишга доим тайёр туриши керак. Мансабдор шахслар маъсулиятини ошириш ва хабарлаш аппаратураларини рухсатсиз ишга туширилишининг олдини олиш мақсадларида кодлаш тизимлари қўлланилади, бошқарув пультадаги хисоблагич ва ёқиш тугмалари ФВБ томонидан муҳрланади.

11. Телекоммуникация объектларида ўрнатилган ФВБга тегишли хабарлаш ва техник алоқа воситаларининг сақланишига, хабарлаш ва алоқа воситаларининг ишга туширилиши учун техник жихатидан доимий тайёрлигига, уларнинг ишлаш қобилиятига жавобгарлик телекоммуникация корхоналарининг раҳбарлари ва бу воситаларга техник-фойдаланиш хизмати кўрсатилиши учун қабул қилиб олган таркибий бўлинмалар жавобгардирлар.

12. Телекоммуникация корхоналарида марказлаштирилган хабарлаш тизимларининг махсус техник воситаларига техник-фойдаланиш учун хизмат кўрсатишни ташкил қилиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган ва телекоммуникация корхоналари ҳамда ФВБ томонидан тузилган шаҳодатлаш комиссияга имтиҳонлар (синовлар)ни муваффақиятли топширган мутахассислардан гуруҳлар тузилади. Техник алоқа воситаларига хизмат кўрсатиш бўйича гуруҳ раҳбари тезкорлик тартибда махсус техник ускуналарига техник-фойдаланиш хизмати кўрсатилишига шартнома тузилган ФВБ бошлиғига бўйсунди.

§ 3. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА АҲОЛИ УЧУН ХАБАРЛАШ СИГНАЛЛАРИ ВА АХБОРОТЛАРНИ УЗАТИШ ТАРТИБИ

13. Фавқулодда вазиятлар хавфи ёки уларнинг юзага келишида, барча эшиттириш тизимлари орқали эшиттириш дастурларини узиб қўйиб, белгиланган товуш сигналларини, нуткли хабарларни ва шахсий радиочақирик (пейджинг алоқа тармоғи) ҳамда кўчма уяли алоқа тармоқлари орқали тегишли хабарларни узатиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини хабарлаш кўзда тутилган.

14. Хабарлаш сигналлари ва аҳоли учун зарур ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудуди бўйича ҳам, бир ёки бир нечта вилоятлар (туманлар, шаҳарлар)нинг ҳудуди бўйича ҳам танлаб узатилиши ҳам мумкин.

15. Марказлаштирилган хабарлаш тизимига шартли сигналларни узатиш ФВВ ёки вилоят ФВБнинг шаҳардаги ва шаҳар ташқарисидаги пунктларида ускуналанган аппаратхоналаридаги махсус аппаратлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

16. ФВВнинг талаби бўйича Телерадиокомпания, эшиттириш тизимларининг объектларига хизмат кўрсатувчи оператор ва провайдерлар фавқулодда вазият хавфи ёки унинг юзага келиши ҳақидаги нуткли хабарларнинг магнит ёзувларини барча студиялари учун, уларнинг мулкчилик шаклидан ва идоравий тегишлилигидан қатъий назар, олдиндан тайёрлаб қўйишлари керак. Кўрсатилган ёзувли кассеталар ФВ турларига кўра рақамланган бўлиши ва белгиланган тартибда сақланиши керак.

17. Айрим, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ФВВда тасдиқлаган "Стандарт бўлмаган нуткли хабарларни ёки магнит ёзувларини тўғридан-тўғри эфирга узатиш тарҳлари"га мувофиқ ФВВ ёки ФВБ тезкор навбатчиларининг бевосита иш жойларидан стандарт бўлмаган қисқа нуткли хабарларни тўғридан-тўғри эфирда ёки магнит ёзуви кўринишида (ФВВ ёки ФВБ тегишли раҳбарининг фармойишига биноан) узатишга рухсат этилади.

18. Фавқулодда вазият хавфи ёки унинг юзага келиши ҳақидаги, содир бўлган ҳолатдаги ўзини тутиш тартиби ҳақидаги ахборот аҳолига эшиттиришлар дастурларини

беш дақиқадан кўп бўлмаган давомийликдаги узиш билан узатилади. Кўрсатилган хабарларни узатилишининг икки-уч марта такрорланишига рухсат этилади.

19. Қоидага кўра, нуткли ахборотларни узатиш эшиттириш тизимлари студияларида малакали суҳандонлар томонидан амалга оширилиши керак.

20. Эшиттиришлар дастурларининг узиш далили ФВВ (ФВБ)нинг тезкор навбатчиси ва эшиттириш тизимининг объекти бўйича жавобгар навбатчиси томонидан қайд қилиниши керак.

**§ 4. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ, ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ ВА ЭШИТТИРИШ
ТИЗИМЛАРИНИНГ ОБЪЕКТЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ
ОПЕРАТОРЛАР ВА ПРОВАЙДЕРЛАРНИНГ АҲОЛИ УЧУН
ХАБАРЛАШ СИГНАЛЛАРИ ВА АХБОРОТЛАРИНИ УЗАТИШНИ
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

21. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

а) аҳоли учун нуткли хабарлар матнларини ишлаб чиқади ҳамда Телерадиокомпания ва эшиттириш тизимлари объектларига хизмат кўрсатувчи оператор ва провайдерлар билан биргаликда магнит ташувчиларга олдиндан ёзиб қўйишни ташкил қилади;

б) шахсий радиочақирик тармоқлари абонентлари учун хабарлар матнини ишлаб чиқади;

в) марказлаштирилган хабарлаш тизимининг махсус аппаратларини сотиб олишни, лойиҳалашни, қуриш ва етказиб беришни таъминлайди;

г) мансабдор шахсларни (бошқарув пунктларининг тезкор навбатчиларини) хабарлаш сигналлари узатилганда бажариладиган ҳаракатларга тайёргарлигини таъминлайди;

д) Ўз ААА корхоналари, Телерадиокомпания ва эшиттириш тизимлари объектларига хизмат кўрсатувчи оператор ва провайдерлар билан биргаликда аҳолини хабарлашнинг ўқув сигналларини узатиш бўйича ва эшиттириш тизимлари объектларининг ахборот узатишга тайёргарлиги бўйича текширув машқларини режалаштиради ва амалга оширади;

е) Ўз АААга хабарлаш сигналлари ва ФВ тўғрисидаги ахборотларнинг узатишни таъминлаш учун телекоммуникация каналларини ажратишга берилган талабномаларни белгиланган тартибда тақдим этади;

ж) ФВ хавфи ёки унинг юзага келиши ҳақида аҳолини хабарлаш учун мўлжалланган эшиттириш тизимлари объектларига хизмат кўрсатувчи, шахсий радиочақирик ҳамда кўчма уяли алоқа тармоқлари операторлари ва провайдерларининг рўйхатини аниқлайди;

з) ФВ хавфи ва унинг юзага келишида ФВВ (ФВБ) тезкор навбатчилари аҳоли учун хабарлаш сигналлари ва ахборотларни узатиш масалалари бўйича ўзаро муносабатда бўлишлари керак бўлган эшиттириш тизимлари объектлари ҳамда шахсий радиочақирик ва кўчма уяли алоқаси тармоқларининг мансабдор шахслари рўйхатини (боғланиш телефон рақамларини кўрсатиш билан) тузади;

и) ФВ хавфи ва унинг юзага келиши тўғрисидаги ҳаққоний маълумотларни тақдим этади.

22. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

а) ФВ ларнинг олдини олиш ва ундаги хатти-ҳаракатлар Давлат тизими (ФВДТ) фаолият кўрсатишнинг барча тартибларида республика ва маҳаллий даражаларда алоқа ва марказлаштирилган хабарлаш тизимларининг ишончли ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича тадбирларни ташкил қилади ва амалга оширади;

б) марказлаштирилган хабарлаш тизимларининг махсус техник воситаларнинг техник-фойдаланиш учун хизмат кўрсатишга қабул қилинишини ташкил этади ва назорат қилади, шунингдек уларнинг ишлашга доим тайёр бўлишини таъминлайди;

в) ФВ хавфи ёки унинг юзага келишида ФВДТ бошқарув идоралари томонидан телекоммуникация воситалари ва каналларининг устувор равишда фойдаланилишини таъминлайди;

г) телекоммуникациянинг техник воситалари (радиотрансляция тармоқлари, радиотелекўрсатувларни узатиш станциялари, эшиттириш дастурларини узатиш каналлари)нинг ФВ тўғрисидаги хабарлаш сигналлари ва ахборотларни узатишга техник тайёргарлигини таъминлайди;

д) марказлаштирилган хабарлаш тизими махсус техник воситаларига хизмат кўрсатувчи ходимларни ФВ тўғрисидаги хабарлаш сигналлари ва ахборотларни узатишда ўзларининг вазифаларини бажаришларига тайёргарликларини таъминлайди;

е) янги ишга туширилган марказлаштирилган хабарлаш тизимларининг ёки уларнинг қайта қурилишидан сўнг фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссия ишида иштирок этади;

ж) ФВВга телекоммуникациялар каналларини, белгиланган тартибга мувофиқ, ижарага ажратади;

з) эшиттириш тизимлари объектларига хизмат кўрсатувчи операторлар ва провайдерларга лицензия беради ва Давлат алоқа инспекцияси орқали лицензия талаблари ва шартларининг, шу жумладан, фавқулодда вазиятлар хавфи ва улар юзага келганда хабарлаш сигналлари узатилиши ва аҳоли хабардор қилиниши ҳамда техник имкониятлар мавжудлигини таъминлаш қисми бўйича бажарилишининг назоратини амалга оширади.

23. Телерадиокомпания ва эшиттириш тизимлари объектларига хизмат кўрсатувчи операторлар ва провайдерлар:

а) магнит ташувчилардаги нутқли хабарларнинг ёзувларини навбатчи ходимлар учун қулай шароитларда сақланишини таъминлайди;

б) эшиттириш тизимлари объектлари техник ускуналарнинг ФВ тўғрисидаги хабарлаш сигналлари ва ахборотларнинг узатишга доимий тайёргарлигини таъминлайди;

в) аҳолига хабарлаш сигналлари ва ахборотларни узатиш масалалари бўйича ФВВ (ФВБ) билан ўзаро муносабатда бўлишга мажбур мансабдор шахсларни (эшиттириш тизимлари объектларига хизмат кўрсатувчи операторлар ва провайдерлар раҳбарлари буйруғи ваёки лавозим йўриқномаси бўйича) белгилайди;

г) истисноли ҳолларда, ФВВ ёки ФВБ тегишли раҳбарининг фармойишига кўра тўғридан-тўғри эфирда қисқа ностандарт хабарларни узатишни ташкил қилади;

д) суҳандонлик ва муҳаррирлик таркибини, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ФВ ҳақидаги нутқли ахборотларни узатишдаги ҳаракатларга тайёрлашни таъминлайди;

е) ФВБ билан келишувга биноан фавқулодда вазиятларда хабардор қилиниши ва ахборот узатилишига тааллуқли бўлган, шахсий радиочакириқ ва кўчма уяли алоқа тармоқлари (давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ва эшиттириш тизими раҳбарлари) абонентларининг рўйхатларини тузади;

ж) берилган талабномаларга мувофиқ эшиттириш тизимлари объектларини ФВВга ижарага ажратади.

24. Нодавлат радиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция) тармоқлари операторлари, мажбурий тартибда, ўз ускуналарини марказлаштирилган ҳолда хабарлаш ва ахборотларни узатиш марказига уланишини таъминлайдиган техник имкониятларга, шунингдек ўз студиялардан ФВБ (ФВВ) бошқармасининг пунктларигача бўлган тўғридан-тўғри симларга эга бўлишлари керак.

Юқорида кўрсатилган воситаларни сотиб олиш, ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш, шунингдек тўғридан-тўғри симларни ижарага олиш операторларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**§ 5. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА
ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ, ТЕЛERAДИОКОМПАНИЯ
ВА ЭШИТТИРИШ ТИЗИМЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИГА ХИЗМАТ
КЎРСАТУВЧИ ОПЕРАТОРЛАР ВА ПРОВАЙДЕРЛАРНИНГ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА АҲОЛИ УЧУН ХАБАРЛАШ
СИГНАЛЛАРИ ВА АХБОРОТЛАРНИ УЗАТИШДАГИ ЎЗАРО
МУНОСАБАТЛАРИ ТАРТИБИ**

25. Марказлаштирилган хабарлаш тизимининг махсус техник воситалари (аппаратуралари) ва студия ускуналарининг уланиши ФВВ (ФВБ) тезкор навбатчиси томонидан бевосита телефон орқали аппаратхона бўйича навбатчига хабар бериладиган паролга кўра амалга оширилади.

Пароллар ва унга жавоблар билан алмашуvidан сўнг, буйрукнинг ишончилигига ишонч ҳосил қилиб, аппаратхона бўйича навбатчи аппаратурани улайди ва аппаратура улангани ҳақида ФВВ (ФВБ) тезкор навбатчисига хабар беради.

26. Хабарлаш сигналларининг узатилиши ҳақидаги ахборот бир вақтнинг ўзида тизимлар ва телекоммуникацияларнинг барқарор ишлаб туришини таъминланиши ҳамда ФВ ҳақидаги сигнал ва хабарлар узатилишида устуворликга риоя этилишини назорат қилиш учун ЎзААА бўлинмаси раҳбарига йўлланади.

27. Телерадиокомпания ва эшиттириш тизимлари объектларига хизмат кўрсатувчи операторлар ва провайдерлар хабарлаш сигналини олгандан сўнг эшиттиришлар дастурини узиб қўядилар ва ФВ тўғрисидаги ахборотнинг узатилишини таъминлайдилар.

28. ФВ тўғрисидаги хабарни узатиш учун эшиттиришларни узиб қўйишни ҳисобга олиш тартиби, захира каналларини тақдим этиш ва барқарор алоқани таъминлаш, узатиладиган хабарларнинг сони, эшиттиришдаги узилишларнинг расмийлаштирилиши, телекўрсатувлар ва радиосигналларнинг ўтишини назорат қилиш, хабарлаш сигналларини узатиш учун пароллар тизими белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

§ 6. ЯКУНИЙ ҚИСМ

29. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан келишилган.

*) Мазкур меъёрий ҳужжатда эшиттириш тизимлари объектлари деб, телемарказларнинг марказий аппаратхоналари, овоз ёзиш ва радиоэшиттириш уйларида марказий аппаратхоналари, симли ва эфир орқали радио эшиттириш студиялари, кабелли ва эфир орқали эшиттириш студиялари, кўчма уяли алоқа, шахсий радиочакирик ва эфир-кабелли телекўрсатувлар тармоқлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар Вазири
вазифасини вақтинча бажарувчи
29 декабрь 2002 й.

А.М. Саидов

Ўзбекистон телерадиокомпания раиси
29 декабрь 2002 й.

А.К. Кучимов